

Акциядорлар умумий
йиғилишининг
2012 йил 18-майдаги
26-сонли баённомасига асосан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

**“Агробанк” очик акциядорлик тижорат банки акциядорларининг
2009 йил 25-апрелдаги 21-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган
“Агробанк” очик акциядорлик тижорат банки Тафтиш комиссияси
тўғрисида”ги Низомга киритилаётган ўзгартиришлар матни**

1. Низомнинг 5-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“5. Тафтиш комиссияси акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланади. Тафтиш комиссияси аъзоллигига ҳар бир номзод бўйича овоз бериш алоҳида ўтказилади. Аниқ шахсни Тафтиш комиссияси таркибига киритиш тўғрисидаги қарор умумий йиғилиш қатнашчиларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Банк Кенгашининг аъзоларига ёки бошқарув органларидаги мансабдор шахсларга қарашли акциялар жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш чоғида овоз беришда иштирок этиши мумкин эмас.”

2. Низомнинг 6-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“6. Тафтиш комиссияси таркибига уч киши киради. Тафтиш комиссияси бир йил муддатга сайланади. Банк тафтиш комиссияси таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди”.

3. Низомнинг 7-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“7. Тафтиш комиссияси аъзоси айна бир вақтнинг ўзида банк Кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек банкнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллаши мумкин эмас”.